

«Ўзбек қориларининг олтин силсиласи» китоб тақдимоти ўтказилди



15:28 / 31.03.2022 2494

2022 йил 30 март куни «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» мажмуасида Қуръони Карим ходими Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид қаламига мансуб «Ўзбек қориларининг олтин силсиласи» номли китобнинг тақдимоти ўтказилди.

Тақдимотда юртимизнинг таниқли уламолари, хусусан, устоз қорилар, хориж олимлари, кўплаб аҳли илмлар, домлалар Қуръонга шайдо мухлислар иштирок этишди ва муслима аёлларимиз ҳам ташриф буюришди.

Тадбир Қуръони Карим тиловати билан бошланди ва устоз Яҳё қори домла дуо қилиб бердилар.

Тадбирни очиб бериш учун Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, биринчи ўринбосари Ҳомиджон домла Ишматбеков сўзга чиқдилар. «Ўзбек қориларининг олтин силсиласи» китобидаги ҳар бир маълумотлар илмий асос билан баён этилган», дея таъкидлайди Ҳомиджон домла Ишматбеков.

Кейин устоз қорилар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм намоиш этилди.

Видеороликдан сўнг «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жомеъ масжиди имом-хатиби, «Ҳилол нашр» нашриёти матбааси раҳбари Исмоил домла Муҳаммад Содиқ сўзга чиқдилар. Мезбон сифатида тақдимотга ташриф буюрган барча меҳмонларга ташаккур билдириб, шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳ шу каби ишларга шогирдларини доим тарғиб этиб, рағбатлантириб келганларини эслаб ўтдилар. Хусусан, шайх ҳазратлари Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний идораси раиси бўлган вақтларида ўзбек қориларининг олтин силсиласини тикланишига илк қадамни қўйиб берганлар, дейди Исмоил домла Муҳаммад Содиқ. 1992 йил 31 март куни шайх ҳазратлари ўзбек қорилар силсила борасидаги фармонни чиқарган эканлар.

Сўнгра Тошкент шаҳри «Убай ибн Каъб» жомеъ масжиди имом-хатиби, «Qur'on TV» илмий-маърифий онлайн телеканали раҳбари, устоз Абдулҳаким қори Матқулов сўзга чиқдилар. Устоз Абдулҳаким қори мазкур китобнинг аҳамияти ва юртимизда Қуръони Каримга бўлган муҳаббат доим юқори даражада бўлганини таъкидлаб ўтдилар.

Кейин Ўзбекистон халқаро ислом академияси ўқитувчиси, доктор Абдуманнон домла Исматуллаев «Қироат ва тажвид илми тарихи» мавзусида суҳбат қилиб бердилар.

Тақдимот жараёнида Тошкент ислом институтининг «Таҳфизул Қуръон» кафедраси мудирини Жаҳонгир қори Неъматов «Ўзбек қориларининг олтин силсиласи» китоби ҳақида маълумотлар бериб ўтдилар. Китобда Ўзбек қориларининг Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга бевосита туташган санади, яъни қироатни нақл қилган ровийлар силсиласи илмий асосда аниқлаб чиқилган. Бу билан минглаб ўзбек қорилари, улардан таълим олган кишилар, жумладан, Қирғизистон, Қозоғистон, ҳатто Россиядаги кўплаб мусулмонларнинг Қуръондан олган таълими санадга эга экани ўз исботини топган. Уларнинг силсиласи Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга боғлиқлиги очиқланган. Шунингдек, китобнинг арабча қисми юртимизда яшаб ўтган устозларни араб оламига таништириш билан бир

қаторда ўзбек қориларининг олиб борган тарихий ислоҳотларидан бохабар қилади. Шу билан бирга, уларнинг юртимизда Қуръони Каримга қанчалар эътибор берилгани, халқимизнинг Қуръонга ихлоси, хизмати ҳақидаги тасаввурларини ҳам кенгайтиради. Хусусан, Қуръони Карим устози Абдулбоқий ибн Мулла Рўзи ибн Муҳаммад Толеъ Андижоний ҳамда Қуръони Карим муаллими Муҳаммад Мубин ибн Аминжон махдум Андижонийнинг имом Ҳафс имом Осимдан ривоят қилган қироатлари бўйича Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга туташган санадлари шулар жумласидандир. .

Тақдимотга Имом Мотуридий роҳимаҳуллоҳнинг ҳаёт йўллари, ижодий фаолиятлари ва мотуридийлик таълимоти борасида мўътабар асарлардан бўлган «Саддус суғур» китоби муаллифи, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ва Имом Мотуридий халқаро илмий тадқиқот маркази устози, мисрлик Аҳмад Даманхурий ҳафизаҳуллоҳ ташриф буюриб, юртимиздаги диний ислоҳотларни эътироф этдилар. «Ўзбек қориларининг олтин силсиласи» китоби ҳақида самимий фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Хорижлик меҳмон ўз сўзида: «Аллоҳ таоло Қуръони Каримда Пайғамбарлар ҳақида гапирганда «Истифо» (танлаб олиш) феълини ишлатган бўлса, Қуръон ҳомиллари, Қуръонни ҳифз қилувчилар ҳақида гапирганда ҳам «Истифо» феълини ишлатган», деб қориларнинг ва Қуръонга хизмат қилувчиларнинг мақоми юксаклигини алоҳида эътироф этиб ўтдилар.

Сўнгра Муҳаммад Айюб қори бошчилигидаги «Жаннат булбуллари» гуруҳи томонидан Қуръони Каримга бағишланган гўзал нашидалар ижро этилди.

Шундан сўнг «Ўзбек қориларининг олтин силсиласи» китоби муаллифи, имом ноиб, Қуръони Карим ходими Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид сўзга чиқдилар. Муаллиф китобнинг ёзилиш тарихи, бу борада олиб борилган изланишлар ҳақида гапириб, презентация тақдим этдилар.

Ҳа азизлар «Ўзбек қориларининг олтин силсиласи» китобидаги санадларнинг илмий равишда исботланиши юртимиз мусулмонлари, хусусан, қорилари учун тарихий ҳодиса бўлди, иншааллоҳ, диний-илмий жиҳатдан юксак аҳамият касб этади. Бу ўз навбатида яқинлашиб келаётган Қуръон ойи моҳи Рамазонга тухфа бўлди.

Тақдимот сўнгида устоз қориларга, фахрий ёрлиқлар, Қуръон ходимларига ташаккурномалар ҳамда эсдалик совғалар улашилди.

Тадбир якунида устозлар томонидан дуолар қилинди.

Китоб тақдимоти «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жомеъ масжидида ҳам катта экранда намойиш этиб борилди.

Шунингдек, ахборот ҳамкорларимиз muslim.uz, AlQuran.uz, Azon.uz ва AzonTV, Qur'on TV илмий-маърифий онлайн телеканалларида онлайн тақдим этиб борилди.

«Ўзбек қориларининг олтин силсиласи» китобини «Hilol nashr»нинг китоб дўконларидан харид қилишингиз мумкин.

Хуршид Маъруф